

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**Тошкент фармацевтика институтининг
Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети
билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Тошкент- 2019 й.

**Тошкент фармацевтика институтининг
Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети
билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Россия Федерациясининг таълим тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Тошкент фармацевтика институтининг Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Тошкент фармацевтика институтининг Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида икки томон келишувига мувофиқ амалга оширилади.

3. Қўшма факультет бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш Тошкент фармацевтика институтининг қабул комиссияси (кейинги ўринларда Қабул комиссияси деб аталади) томонидан кириш имтиҳон натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан қабул квоталаридан ташқари абитуриентларни ўқишга қабул қилиш Қабул комиссияси томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тошкент фармацевтика институтининг Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, синовларда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

Кириш имтиҳонлари Тошкент фармацевтика институти томонидан амалга оширилади.

Тошкент фармацевтика институти қабул комиссияси қўшма факультет бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонларини (иншо, оғзаки суҳбат, ёзма иш ва тест синовлари) ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайди.

4. Кириш имтиҳонлари рус тилида ўтказилади. Кириш имтиҳонларига мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси институт Кенгашида тасдиқланади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

5. Тошкент фармацевтика институтининг Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети билан қўшма факультети бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш масъулияти институт қабул комиссияси зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қабул комиссияси котиби тайинланади. Бунда олий таълим муассасаси ректори лавозим бўйича қабул комиссиясига раислик қилади.

Қабул комиссияси аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 05 июндан 30 июнгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Абитуриент институт қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили (рус), шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги ҳамда кириш имтиҳонларини ўтказиш қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади);

умумий ўрта таълимни (11-синф негизида) тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловаси асл нусхалари;

паспорт (16 ёшга тўлмаганлар учун туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)нинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;

ариза шакли институт томонидан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт (16 ёшга тўлмаганлар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда институт қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

Абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабаликка қабул қилинган бўлса олий таълим муассасаси талабалари сафидан) четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

3-боб. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш

6. Кириш имтиҳонлари 01 июлдан 10 июлгача бўлган муддатда ўтказилади.

Абитуриентларнинг талабалikka тавсия этилган ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган кириш имтиҳонлар натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига институтнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

7. Имтиҳон савол топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

Фанлар мажмуаси рус тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки суҳбат), кимё (ёзма иш ёки тест), биология (ёзма иш ёки тест) фанлари бўйича шаклланади.

8. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

4-боб. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш, ўқиш учун тўлов тартиби ва миқдори

9. Абитуриентларни қўшма факультетга тўлов-контракт асосида қабул қилиш институтнинг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида кириш имтиҳонларининг баллар рейтингини бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан абитуриентларнинг олий таълим муассасасига талабалikka тавсия этилганлиги эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Қўшма факультетда таҳсил олиш механизми 3+2 алгоритмга асосланган бўлиб, дастлабки 3 йил Тошкент фармацевтика институтида, кейинги 2 йил Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университетида амалга оширилади.

Ўқишга қабул қилинган талабалар ўқув режаларида келтирилган фанларни ва амалиёт режаларини қуйидаги тартибда ўзлаштирадilar:

- Фармация бакалавриат таълим йўналиши бўйича 1-, 2-, 3 - курсларда Тошкент фармацевтика институти ўқув ва ўқув-амалиёт базаларида, 4-, 5- курсларда Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети ўқув ва ўқув-амалиёт базаларида.

- Саноат фармацияси бакалавриат таълим йўналиши бўйича 1-, 2- курсларда Тошкент фармацевтика институти ўқув ва амалиёт базаларида, 3-, 4- курсларда Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети ўқув ва амалиёт базаларида.

Тошкент фармацевтика институтида таҳсил олиш мобайнида танишув, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг айрим мавзулари Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университетининг амалиёт базаларида ўтказилади.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

12. Абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси қарори асосида 5 августга қадар абитуриентларни тўлов-контракт асосида ўқишга қўйиш ҳақидаги буйруқ расмийлаштиради.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун контрактда белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

13. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

14. Тошкент фармацевтика институти қўшма факультети бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар Соғлиқни сақлаш вазирликлги ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.